Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 227 (5218).
5 ОКТЯБРЬ 1983 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Шаҳарларнинг ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студент ва ўқувчи-ёшлар! Бизнинг республикамиздаги колхозчи ва ишчи, инженер ва ўқитувчи, ёзувчи ва олим, хизматчи ва студент, мактаб ўқувчиси ва уй бекаси — ҳамма пахтакордир. Республикамизда Уроқ ва Болғанинг мустаҳкам иттифоқи солномасига кўпдан-кўп ёрқин саҳифалар ёзилган. Бугун ҳам пахтазор — деҳқонларнинг содиқ ва ишончли дўстларига, асосий касбидан қатъи назар, ҳақиқий пахтакор бўлган сизларга мунтазир.

(Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республика барча меҳнаткашларига Мурожаатидан).

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 4 октябрга бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Бухоро	1,55	51,72	0,31	3,54
Хоразм	2,60	44,95	1,95	12,83
Тошкент	3,22	42,97	2,63	32,86
ҚҚАССР	2,52	40,76	2,02	20,24
Сурхондарё	1,72	34,89	1,11	14,43
Фарғона	2,01	34,46	0,26	0,91
Навоий	1,37	32,39	0,56	2,46
Қашқадарё	1,82	30,67	1,12	9,77
Андижон	1,98	30,63	0,68	3,12
Самарқанд	1,60	29,38	0,72	3,96
Наманган	2,26	28,64	1,85	9,08
Сирдарё	2,93	24,46	3,11	18,70
Жиззах	2,86	22,67	3,16	23,32
Республика бўйича:	2,16	34,43	1,51	12,21



Бир кунда 128245 тонна, мавсум бошидан буён 2041701 тонна пахта тайёрланди. Машиналар бункеридан ўтган куни 59428 тонна, жами 481525 тонна хом ашё тўкилди. Бир кунда 8581 тонна, мавсум бошидан буён 168074 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта териб топширилди.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ ШАРАФИГА



А. Хусаинова 15 йилдан ортиқ вақт давомида «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибали моҳир ишчисига айланди. У катта муваффақиятларни қўлга киритиш билан бирга ёш ишчиларга касбининг сир-асрорини мунтазам ўргатиб келмоқда. Айни пайтда унинг 50 дан зиёд шогирди корхонанинг пешқадам ишчилари сафида тер тўкмоқда.

СУРАТДА: механика-нигув цехининг мураббий ишчиси А. Хусаинова.
Т. Каримов фотоси.

ҒОЛИБЛАР ҒАЙРАТИ

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-фабрикаси ишчилари меҳнатда муносиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар барча цех ва бригадаларда технологик ҳамда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаб, ички резервлардан самарали фойдаланишяпти. Фабрика ишчилари шу йилнинг саккиз ойлик план топшириқларини ортиғи билан адо этиб, бирлашма корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқишди. Тиқувчилар пландаги 6214,8 минг сўмлик ўрнига 6477,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Корхона бўйича 1616,9 минг дона ўрнига 1619,6 минг дона ички трикотаж кийимлари, 494,7 минг дона ўрнига 531 минг дона устки трикотаж либослари тайёрланди.

Қўли гул чеварлар йил охиригача 12385 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 2889 минг дона ички трикотаж ва 927 минг дона устки трикотаж кийимлари тайёрлаш планини қабул қилишган.

Коллектив фидойилари шу кунларда улуғ режаларни амалга ошириш устида тинимсиз меҳнат қилишяпти. Улар ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олишган. Пландан ташқари 280 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 600 минг сўмлик ҳом ашё тежаб қолиш, йиллик планни эса 29 декабргача бажариш мўлжалланган.

МЕҲНАТКАШЛАР ИҒИЛИШЛАРИДА

ОСМОНИМИЗ ТИНЧ БЎЛСИН!

Тошкент тўқимачилик комбинатида эрталабки смена тугаши биланоқ уч мингдан ортиқ киши — ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган йиғилишга келдилар. Улар «Совет Тинчлик программасини рўёбга чиқарамиз!», «Қанотли ракеталарга йўл йўқ!», «Европанинг осмони тинч бўлсин!» деган сўзлар ёзилган шиорлар, транспарантларни кўтариб олишган.

Сўзга чиққан нотиқлар Америка ҳарбийлари ва уларнинг НАТОдаги тарафдорлари ўтказиб келаётган тўхтовсиз қуролланиш пойгасини қаҳр-ғазаб билан қоралаб, планетани термоядро ҳалокатига дучор этишга уринаётган кимсаларни лаънатладилар.

— Барча совет кишилари каби, — деди охорлаш фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Санобар Исаева, — корхонамиз коллективи ҳам КПСС ва Совет ҳукуматининг ўрток Ю. В. Андропов Баёнотида айтиб ўтилган конструктив ташқи сиёсат йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда ва маъқуллаб ўтмоқда. Ана шу муҳим ҳужжатда бизнинг тинчлик тўғрисидаги ўй-фикрларимиз ифода этилган, АҚШ ҳозирги маъмуриятининг халқаро ишлардаги талабаларча сиёсатига тўла-тўкис баҳо берилган.

— Тинчлик ишига содиқмиз, деб баландпарвоз баёнотлар бераётган Рейган ва гумашталарининг риёкорона нутқлари гирт ёлғондир, — деб ўқтирди йиғирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси Елена Шавилова. — Америка маъмуриятининг вакиллари АҚШнинг ҳарбий потенциалини мислсиз кўламларда авж олдириб, яна тинчликсеварлик тўғрисида гап ўқтиришга уринмоқдалар! Ўзларини сиёсий арбоб деб ҳисоблаётган кишилар оддий ҳақиқатни тушуна олмаётирлар: биз ўз қонунларимизга — энг илғор социалистик жамият қонунларига мувофиқ яшаб келдик ва яшайверамиз.

— Бизнинг мамлакатимизда урушни хоҳловчи кишилар йўқ, — деб таъкидлади ип-йигирув фабрикаси мастерининг ёрдамчиси Мели Шабаев. — Зотан, Юрий Владимирович Андроповнинг Баёнотида айтилган ҳамма гаплар бизнинг номимиздан айтилган гаплардир. Биз, тўқимачилар, давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зардбор меҳнатимиз билан мустаҳкамлаймиз.

Йиғилиш қатнашчилари резолюция қабул қилиб, унда ўрток Ю. В. Андроповнинг Баёнотини яқдиллик билан маъқулладилар.

(ЎзТАГ).

МУҲИМ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари соврини учун аёллар ўртасида ўтказиладиган Бутуниттифоқ шашка турнири ташкилот комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда бўлажак турнирни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Уни юксак савияда ўтказиш тадбирлари белгиланди.

Мухлисларга маълумки, турнир 12 октябрдан 30 октябрга қадар бўлади. Унда жаҳон ва мамлакат чемпионлари, шунингдек, тошкентлик ва ўзбекистонлик энг кучли шашкачилар иштирок этишади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

4 октябрь куни Тошкентда Африка учун БМТ ҳузуридаги иқтисодий комиссиянинг халқаро семинари очилди. Унинг қатнашчилари республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тажрибаси билан таниша бошладилар. Халқаро семинар қишлоқни ривожлантириш программасида аҳолининг иштирок этиши мавзусига бағишланган.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ФАН ВА ТУРМУШ» ЖУРНАЛИНИ УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларининг илмий ва маданий савиясини оширишга катта ҳисса қўшганлиги учун ва ташкил этилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Фан ва турмуш» журнали Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1983 йил 3 октябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил актив ва самарали ишлаганлиги учун «Фан ва турмуш» журнали бош редакторининг ўринбосари ўрток Комил Солихович Холмуҳамедовга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

Журнал редакциясининг бир группа ходимлари Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун М. Горький номли давлат рус академик драма театрининг артисти ўрток Семён Борисович Ауловга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ вечерний ТАШКЕНТ

газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус муҳбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Ҳатамов, А. Эгамназаров, А. Абдураззоқовлар пойтахт областидан хабар қиладилар.

12. БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози ўз номига муносибдир. Бу ерда ўн бешдан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек қўлни-қўлга бериб, тотувлик билан яшаб меҳнат қилмоқдалар. Колхоз экономикаси йилдан йилга ўсиб, колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги ҳам юксалмоқда. Пахтакорлар худди шаҳардагидек кенг ва ёруғ, газлаштирилган уйларда яшашмоқда. Ҳар бир уйда радио ва телевизор, ҳар икки уйнинг бирида енгил машина бор.

Колхознинг шаҳар билан алоқалари ҳам диққатга сазовордир. Бундан ўн икки йил муқаддам Тошкент лакбўёқ заводи раҳбарлари колхоз правлениесига мурожаат қилиб, дам олиш зонаси қуриш учун ер беришни илтимос қилишди. Правление бу масалани ўз мажлисида қараб чиқиб, шаҳарлик дўстлар илтимосини қондиришга қарор қилди. Заводга Чирчиқ дарёси бўйидаги баҳаво ерлардан саккиз гектари ажратиб берилди. Тошкентликлар қурилиш ишларини бошлаб юбордилар. Шундай қилиб, қисқа вақтда шинам ва ям-яшил дам олиш зонаси барпо этилди. У етмиш кишига мўлжалланган. Завод ишчи ва хизматчилари ёз пайтларида шанба ва якшанба кунлари бу ерга келиб салқинлаб, шахмат ва биллярд, теннис, волейбол ўйнаб, очиқ бассейнда чўмилиб, хордиқ чиқариб қайтадилар. Дам олувчиларга махсус автобус хизмат қилади.

Лак-бўёқчилар «Интернационал» колхози коллективининг ҳимматини юқори баҳолайди. Хўжаликка имконият даражасида кўмаклашишга ҳаракат қилишади. Пахта йиғим-терими даврида дам олиш зонаси вақтинча фаолиятини тўхтатади. Бу ерда Янгийўл ва Ғалаба районларидаги хўжаликларга пахта теримига чиққан завод ишчи ва хизматчилари яшашади.

«Интернационал» колхозида кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Кейинги йилларда бу ерда 150 ўринли боғча, молхона қурилди, ҳозир колхоз идораси биноси реконструкция қилиниб, кенгайтириляпти. Бу ишларнинг ҳаммасида лак-бўёқ заводи коллективи қурилиш материалларидан ёрдам бераяпти. Завод зарур пайтларда кўчма автоустахона юбориб, техника ремонтида ҳам кўмаклашяпти.

Лак-бўёқчиларни н г қишлоққа ёрдами «Интернационал» колхози билангина чекланмайди. Корхона мана ўн йилдирки, Сирдарё области Ильич районидаги Титов номли совхозга оталиқ ёрдами кўрсатяпти. Ҳар йили бу совхозга 3—4 минг сўмлик миқдорида эҳтиёт қисмлар, электродлар, ҳар хил кабеллар, лак-бўёқлар етказиб берилади. Совхозга йиғим-теримга тайёргарлик даврида учта слесари, пайвандлаш аппарати бўлган кўчма устахона жўнаб кетган эди. Бу автоустахона шу кунларда ҳам хизмат кўрсатаяпти.

Бундан ташқари тошкентликлар совхознинг ҳамма шийпоналарини сифатли ремонтдан чиқариб беришди. Ҳадемай 25—30 ҳашарчи йиғим-теримда қатнашиш учун жўнаб кетишади.

«Интернационал» колхози 1300 гектардан ортиқ майдонда деҳқончилик қилади. Шундан 850 гектарига пахта, 200 гектарига канап, қолган майдонларга сабзавот, беда ва маккажўхори экилади. Биз хўжаликда бўлган кунимиз колхозчилар канап ўримини тугаллашган экан. Колхоз раиси Мухтазар ога Шукур ўғли кейинги пайтда республикамизда пахтачилик билан бир қаторда канопчиликни механизациялаштиришга ҳам катта аҳамият берилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, бу борада «КУ—0,2» канап ўриш комбайнининг яратилиши кўл меҳнатидан фойдаланишни кескин камайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда муҳим роль ўйнади. Маълумки, мутахассисларнинг юқори баҳосини олган бу машинани Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаштириш институти ходимлари яратишган. Ишлаб чиқариш эса республика «Госкомсельхозтехник а » с нинг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени тажриба ремонт-механика заводида йўлга қўйилди. Бу завод коллективи ўтган икки йил мобайнида «КУ—0,2» комбайнидан 100 дан ортиғини ишлаб чиқариб, республика хўжаликларига етказиб берди. Ҳозир корхонада янги комбайнини ишлаб чиқариш янада кўпайтириш мақсадида реконструкция ишлари амалга ошириляпти.

«Интернацион а л » колхози коллективи бу йил ҳар гектардан 40 центнердан пахта олиш, мавжуд ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб олишни мақсад қилиб, пахтаэрлардаги меҳнат суръатини кун сайин оширмоқда.

Хўжаликда ҳозир мавжуд 30 та «занг гори кема» учта терим-транспорт отряди га бўлиниб, машина теримини қизғин туғ олдираяпти.

* * *

Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозида шу кунларда пахта йиғим-терими қизғин давом этяпти. Хўжалик аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олиш учун кураш олиб боришяпти. Бугунги кунда колхоз пахтазорларида колхозчилар билан бир қаторда «Ташобласельстрой» трестининг 5-механизациялашган кўчма колонна-наси қурувчилари ҳам меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: бир гуруҳ ҳашарчи-қурувчилар.
Т. Каримов фотоси.

Факт ва шарҳ

Балкондаги батареями?..

Мен Чилонзор районида яшайман. Уйимиз қишда яхши исимайди. Шу сабабли ўтган йили қишда балконга қўшимча батарея ўрнатдик. Бунинг учун анчагина пул тўладик. Яқинда ЖЭУ техника назоратчиси келиб, батареяни зудлик билан олиб ташлаш лозимлигини айтди. Бу белгиланган қоидаларга зид эмиш. Ахир, биз уни уйимиз иссиқ бўлиши учун ўз кучимиз билан ўрнатганмиз-ку! Ким ҳақ, биз нима қилишимиз керак!

В. ФИЛИППОВ.

Ушбу хатни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. М. ЮСУПОВ шарҳлайди.

— Батарея, албатта олиб ташланмоғи лозим. Чунки истиқомат хоналарининг қайта жиҳозланиши (тўсиқлар ўрнатиш, эшикларни алмаштириш ёки қайта қуриш, иситиш ускуналари, санитария-техника жиҳозлари, плиталар, электр счётчиклар ва бошқа шу кабиларнинг ўрнини алмаштириш) тегишли рухсатнома бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Иситиш ва санитария-техника ускуналари жойи ўзбошимчалик билан алмаштирилганда аҳоли хонани ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириб қўйишга мажбур. Акс ҳолда 10 сўмгача бўлган иш қиймати белгиланган тартибда ундирилади. Бу харажатлар қиймати 10 сўмдан ошган тақдирда айбдорлардан ундириб олиш суд органлари орқали умумий даъво талаблари тартибида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, турар жой хоналарига шикаст етказган айбдорларга жамоатчилик томонидан танбеҳ берилади ёки уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти маъмуриятининг жамоатчилик иштирокида тузилган акти асосида район Советлари ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан 10 сўмгача жарима солинади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уй қурилаётганда унинг иссиқлик қувватига бўлган махсус параметрлари аниқланади. Шу боисдан, кўпинча балконларга қўшимча батареялар ўрнатилгач, иссиқликнинг бутун уйда айланиши бузилиши мумкин. Сизга маълумки, балконлар — ёзлик хона. Улар яхши ўралмаган, шу сабабли ортиқча иссиқлик ташқарига чиқиб кетади. Айрим қоидабузарларнинг ўзбошимчалиги оқибатида қўшни квартираларда яшовчи ўнлаб кишилар азият чекишади.

Текшириш ўтказилганда, шаҳарнинг барча районларида ўзбошимчалик билан балконларга ўрнатилган иссиқлик батареялари борлиги аниқланган. Чунончи С. Совенко («Қорақамиш—2/1», 5-уй, 15-квартира); П. Ананьев («Қўйлиқ—4», 2«а»-уй, 1-квартира); К. Комилов, С. Попов, В. Токерев, Л. Галишевский («Қўйлиқ—4», 2-уй, 10, 16, 19, 26-квартиралар); Т. Горшкова, М. Григорьянц, В. Бузурхонов, Р. Шварцман («Марказ—2», 24-уй, 1, 2, 14, 48-квартиралар) батареялар ўрнатиб олишган.

Бундай фактларга асло йўл қўйилмайди. Район Совети ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар батареяларни ўз ҳисобларидан зудлик билан олиб ташлаш тўғрисида квартира эгаларига кўрсатмалар беришяпти. Уларнинг бажарилишини уй-жой ташкилотларининг ходимлари назорат остига олишган. Шаҳарликларнинг ўзлари ҳам бундай фактларни кўрганда кўз юммасликлари даркор. Чунки куз-қиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш — барчанинг иши.

Газета саҳифаланаётган соатда...

Ном-нишонсиз «Чайка»

Кеча редакцияга кўплаб қўнғироқлар бўлди. Шулар орасида биттаси, айниқса эсда қолди. Аёлнинг овозида қандайдир дард, қуйиниш сезилиб турарди. Чамаси у кимларнингдир лоқайдлиги натижасида кишилар кайфиятини бузилганидан хуноб эди.

«Окламиз ҳаётида яқинда муҳим воқеа бўлди,— деб хабар қилади она.— Ўғлим уйланаётган эди. Янги оила қуриляпти. Ешлар хотирасида бу кун узоқ вақт сақланиб қолиши учун биз тўй «Чайка»сига буюртма берган эдик. Бир ой олдин бунинг ҳаракатига тушган эдик...».

Мана, ниҳоят ўша тантанали кун ҳам келди. «Таштрансагентство»нинг диспетчери эрталаб соат 10 даёқ нишонтирди: «Ропа-роса соат 15 да «Чайка» остонангиз олдида бўлади». Мана соат 15 дан 30 минут ўтди ҳамки «Чайка»дан дарак йўқ. Диспетчер яна телефонда «Машинани кутинглар» деб қўйинни пуч ёнғоқка тўлдиришда давом этди. Дақиқалар ўтиб боряпти. Тўй эса кечиқяпти. Келин-куёв 71—00 номерли «Чайка»ни кутавериб кўзларн тўрт бўляпди. Яна диспетчерликдан қўнғироқ бўлди. Бу сафар худди тўйга совға қилгандек: «Чайка» бузилиб қолди» деган тетик овоз эшитилди.

Куёвнинг онаси Назмра Рўзиматованинг қўлида «намунали хизмат кўрсатилганн тўғрисида хотира бўлиб 44991 квитанция қолди, холос. Бу квитанция қанчалик ташвиш келтирмаслиги дейсиз. Турли муассасаларга икки кун қатнашга тўғри келди: дорадараги бўлмаган машина учун 53 сўм тўланган эди.

РЕДАКЦИЯДАН: Хизмат кўрсатиш ходимлари аҳолига юксак маданиятли хизмат кўрсатиш, уларга қулайлик яратиб бериш ўрнига кишиларнинг хуш кайфиятларини бузганлар. Улар учжуда муҳим кунда очиқдан-очиқ лоқайдлик қилганлар. Редакцияга шундай ҳоллар ҳақида ёзилган хатлар келиб турибди. «Таштрансагентство» бошлиғи Р. Исмоиловдан фақат «Чайка» автомашинаси билан рўй берган бу воқеа юзасидан кўрилган чора ҳақидагина эмас, балки аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун оғизда эмас, амалда нималар қилинаётганлиги ҳақидаги ишонч кутамиз!

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-механика-пресслаш цехида оддий смена алмашиш пайти. Цех ёнидаги яшил хиёбонда фаввора отилиб турибди. Ҳаво жуда мусаффо, шинам хонага худди фаввора сокинлиқ бағишлаётгандек. Биз созловчи Сергей Ерушов билан дарахт соясидаги ўриндиққа ўтирдик. Суҳбатимиз бригада пудрати ҳақида борди.

— Сиз ҳар бир ишчи ўз меҳнат жойини берилиб тозалаётганини кўргандирсиз-а? Жуда қуюнишади. Чунки бу ҳам социалистик мажбуриятда ҳисобга олинган. Муҳит мусаффо. Буларнинг ҳаммаси бригада методи усулининг самараси. У анъанага айланиб бормоқда,— деди у.

Бир нарса ҳақиқат. Ишлаб чиқариш маданияти бу ерда таниб бўлмас даражада юксалди. Ҳозир меҳнатга бригада усулида ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш билан ишлаб чиқаришнинг барча участка ва бригадалари қамраб олинган. Цех коллективи зиммасига олган социалистик мажбуриятда шундай банд бор: барча ёрдамчи хизмат участкаларида илғор усуллари жорий қиламиз...

Завод дарвозасидан одамлар ўтиб бориша-япти. Иккинчи смена ва цехларда яна одатдаги гавжумлик бошланаяпти.

Сергей Ерушов вақт бўлди деган ишора билан ўрнидан турди. Бугун у меҳнат қилаётган участкада партия ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлади.

1981 йилнинг декабрь ойи цех учун ривожланиш тарихида янги босқич бўлиб қолди. Эски усул ўрнига янгиси жорий қилинди. Яъни ҳар бир киши алоҳида меҳнат қилиш усули бригада пудрати билан алмаштирилди. Бу усулни жорий қилиш осон бўлмади. Цех раҳбарлари, коммунистлари катта ташкилотчилик ишларини амалга ошириб, меҳнатни ташкил этишнинг янги системаси афзалликларини ҳар бир ишчига тушунтиришга эришди. Цехнинг илғор ишчилари буни ёқладилар.

Мана икки йилдан зиёдроқ вақт ўтдики, механика-пресслаш цехи илғорлар сафида бориб, социалистик мажбуриятларни ошириб бажаряпти. Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги шарафига цех коллективи оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилиб, илғор усулнинг имкониятлари ҳали кўп эканлигини яна бир марта амалда исботлади. Ҳозир цехда тўпланган илғор тажриба бутун завод коллективига тарғиб этиляпти.

Коммунист Сергей Ерушов меҳнат қилаётган револьвер участкаси ҳақиқий маънода социалистик мусобақа ҳисоблана-ди. Бу ерда 50 дан зиёд номда маҳсулот тайёрланади. Уларнинг барчаси юксак сифат билан тайёрланаётганлиги диққатга сазовордир.

Участкада фойдаланмаган резервлар, камчиликлар ҳам бор. Ана шу ҳақда жиддий гап бўлди. Партия группаси ташкилотчиси В. Ярошенко амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

— Коммунистлар,— деди у,— социалистик мусобақага раҳбарлик қилишни ўзларининг энг асосий вазифаларидан бири деб билишади. Револьвер участкасининг коллективи гидравлика участкаси коллективи билан беллашишга аҳд қилди. Коллектив меҳнат қилишнинг ўзига хос хислатларидан бири шуки, у ўзаро ҳамкорликка суянади. Бу нарса қуйидаги воқеада яққол намоён бўлди. Июнь-июль ойларида гидравлика участкасида ишчи кучи етишмаслиги туфайли қийин аҳвол вужудга келди. Револьвер участкасининг коммунистлари у ерга ўз мутахассисларини жўнатишга қарор қилдилар.

Социалистик мусобақада коммунистлардан созловчи С. Ерушов, пармаловчи А. Бурчина, катта мастер А. Федюшина ва бошқалар пешқадамлик қилишди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш партия группасининг энг асосий иши ҳисобланади. Чунки КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленуми қарорларида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилган. Шу боисдан ҳам бу ерда бирорта ҳам ишга кечикиб келиш ёки ишдан эрта кетиб қолиш ҳоли эътибордан четда қолаётгани йўқ. Коллектив меҳнат интизомини бузаётганларга қатъий чора кўрмоқда. Шу боисдан ҳам шу йилнинг биринчи ярмида участкада ишга келмаслик ҳоли бутунлай учрамади.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми идеология ишларини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берди. Партия группасининг барча коммунистлари сиёсий маориф системасида муваффақиятли шуғулланишди. ВЛКСМ аъзоси ва айрим партиясиз ишчилар комсомол ўқувларига ва иқтисодий ўқувларга жалб этилди.

Мунозарада сўзга чиққан коммунистлар асосан камчиликларга аҳамият беришди. Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришда нуқсонлар бор. Жумладан, сўзга чиққанлар участкада илғор ишчиларнинг тажрибалари яхши тарғиб қилинмаганлиги, социалистик мусобақага мунтазам якун чиқарилмаётганли г и ҳақида тўхталишди.

Йиғилишда сўзга чиққан бирлашма партия комитети секретарининг ўринбосари Н. Белозеров участкада партия сафларининг ўсишига етарли аҳамият берилмаётганлигини таъкидлаб ўтди. Ваҳоланки бу ерда коммунист деган шарафли номни оқлашга лойиқ бўлган жуда кўп кишилар меҳнат қилишади. Ишлаб чиқаришнинг бу илғор участкасида сиёсий тарбиявий ишлар марказини вужудга келтириш пайти келди. Коммунистларнинг олдида катта вазифалар турибди. Уларни ҳал қилишга ижодкорлик, ташаббускорлик билан ёндошиш керак. Ана шунда муваффақиятларни таъминлашга кенг шароит яратилади.

Коммунистлар созловчи С. Ерушовни бир овоздан партия группаси ташкилотчиси этиб сайладилар.

А. АҲМАДИЕВ.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб оламиз

Акмал Икромов ва Сергели районлари мусобақаси

Шу йилнинг январь-август ойларида социалистик мусобақа бошқа районларда бўлгани сингари Акмал Икромов ва Сергели районларида ҳам «Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб оламиз!» шиори остида ўтказилди. Мусобақа яхши натижалар берди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши Акмал Икромов районида 103,1, Сергели районида эса 102,1 процентни ташкил этди. Иккала район бўйича пландан ташқари 2464 минг ва 2912 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани Акмал Икромов районида бўйича 103,2 процент Сергели районида бўйича эса 102,8 процент бажарилди. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати иккала районда 106,6 ва 110,1 процентни ташкил этди.

Меҳнат самарадорлиги бўйича иккала район юксак кўрсаткичларга эришди. Меҳнат самарадорлиги бўйича плани Акмал Икромов районида 3,2 процент, Сергели районда эса 2,2 процентга ошириб бажарди. Меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105 ва 105,1 процентни ташкил этди. Акмал Икромов районида 75,8 процент, Сергели районда бўйича 53,5 процент ишлаб чиқариш ҳажми меҳнат самарадорлигининг ўсишига ҳисобига қўлга киритилди. Районлар маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқни ортиғи билан бажаришди. Шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайтирилди.

ЯНВАРЬ-АВГУСТ ОЙЛАРИ БЎЙИЧА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА НАТИЖАЛАРИНИ СЕРГЕЛИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ ВА ТРАНСПОРТ БЎЛИМИ МУДИРИ И. ПЕРЕЖОГИН ШАРҲЛАЙДИ:

— Район меҳнаткашларининг 2000 ёшга тўлган она шаҳарларига нисбатан муҳаббатини йил бошидан бери меҳнат коллективларида ҳукм суриб келаётган юксак кўтаринкиликдан англаш мумкин. Пойтахт илғор ишчиларининг юбилей шарафига йиллик план-топшириқлари н и бажариш ташаббусини қўллаб-қувватлаган юзлаб ишчи ва қурувчилар олинган социалистик мажбуриятларни муваффақият билан адо этдилар. «Узторгстрой» трестининг механизация бошқармаси йиллик плани муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Район меҳнаткашлари сўнгги йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 14527 минг сўмга кўпайтирдилар. Ошхона ва бошқа мебеллар ишлаб чиқариш заводи, Сергели мебель ишлаб чиқариш ва тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари шулар жумласидадир. Шунингдек, бошқа корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг истеъмол моллари тайёрланмоқда. Бугунги кунда фақатгина тўртта корхонада кенг истеъмол моллари тайёрланмаяпти. Бироқ, яқин орада бу корхоналарда ҳам ана шундай моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича планнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда реализация бўйича сакқиз ойлик планнинг атиги 97 процентга бажарилиши факти, шубҳасиз район партия комитетини ташвишга солмай қўймайди. Сакқизта корхона маҳсулот етказиб бериш топшириғини бажармади. Январь-август ойлари давомида улар томонидан 3,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. «Вторчермет» областлараро бошқармаси, «Октябрь 50 йиллиги» номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, резина-техника буюмлари заводи сингари корхоналар плантопшириқларни уддалай олмадилар.

«Вторчермет» корхонаси узоқ вақтдан бери техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қолоқлар сафида қолиб келмоқда. Ушбу корхона январь-август ойлари мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация плани бўйича 1,5 миллион сўмлик маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермади. Бу камчиликларнинг асосий сабаби корхонадаги технологик жиҳозларнинг эскириб қолганлигидир. Ҳолбуки, республика «Вторчермет» бирлашмаси бу масала бўйича шуғулланишни хаёлига ҳам келтирмаяпти.

Қурилиш плиталари заводи ҳам план-топшириқларни уддалай олмаяпти. Сакқиз ой давомида корхона 350 минг сўмлик маҳсулотни етказиб беролмади. Шикастланишлар оқибатида ёғоч плиталари ишлаб чиқариш асосий технологик линияси тўхтаб қолмоқда. Штатлар тўлалигича комплектланмаган. Баъзи операцияларни амалга оширишда керакли ишчилар йўқ. Операторларнинг етишмаслиги ишни орқага сурмоқда. Шунингдек, моддий-техник хизматда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.

Олтита корхонада, шу жумладан «Октябрь 50 йиллиги номли» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида лимитда белгиланганидан ортиқча ишчилар ишлатилганлиги меҳнат самарадорлиги ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишига салбий таъсир ўтказмоқда. Ишлаб чиқаришдаги бундай ҳодисалар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида танқид қилинган эди.

Район партия комитетида ҳам ушбу масала бир неча марта муҳокама қилинди.

Райондаги бир қатор саноат корхоналари қайта реконструкция қилиш ҳолатида турибди. Реконструкцияни амалга ошириш ишлари эса жуда ҳам чўзилмоқда. Резина-техника буюмлари заводида реконструкция ишлари 13 йилдан бери судралиб келинмоқда. «Ташпромстрой» бирлашмаси графикда кўрсатилган муддатлардан ортда қолиб келмоқда. «Узавтоцветмет» бирлашмаси, резина-техника буюмлари заводи бўйича қурилиш-монтаж ишлари оқсамоқда. Ошхона ва бошқа мебеллар заводида эса бу ишлар ҳанузгача бошланмаган. Қурувчилар партия ва ҳукумат қарорлари талаб қилганидек ишга жиддийроқ ёндошсалар айни муддао бўлар эди.

Шу кунларда Сергели райони меҳнаткашлари СССР Конституцияси ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги саналарини юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан пешвоз олиш учун бор куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Сакқиз ой давомида район меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятлардан ташқари миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилдилар.

Шаҳримиздаги «Компрессор» заводи ўз маҳсулотлари билан иттифоқимизда маълум ва машҳур. Бу ерда кўплаб тажрибали ишчилар меҳнат қилади. Т. Бадалбоев корхонанинг ана шундай фидойиларидан. У энг яхши синовчи моторист ҳамдир.

СУРАТДА: Т. Бадалбоев ва унинг ёрдамчиси, коммунистик меҳнат зарбдори А. Уральцев.

М. Нуриддинов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Сўзаналар жилоси

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорларини шараф билан бажараётган бадиий буюмлар фабрикаси коллективи меҳнатда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Корхона маҳсулотларига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 80 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Буларнинг 21 хили фахрий беш қирралі белги билан муҳрланган. Фабрикада асосан миллий маҳсулотлар— сўзана, зардевол, гулқўрпа, чойшаб, ёстиқ жилдлари тайёрланади. Шу йилнинг ўзида икки хил маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилди.

Бу ерда меҳнат социалистик мусобақа асосида ташкил қилинган. Голиблар ҳар ойда аниқланиб, рағбатлантириб борилади. Ўтган ойда 4 марта попоп цехи, 2 марта тикув цехи ғолиб деб топилди.

Фабриканинг бу йилги маҳсулотлари Туркия, Испания, Чехословакия ярмаркаларига юборилди. Шу кунларда чойшаб ва сўзаналарнинг янги 5 хили кенг миқёсда ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона ихтирочи ва рационализаторла р и ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача 4 та таклиф киритилиб, ундан 10 минг сўмлик фойда олинди. Рационализатор л а р киритаётган таклифлар меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва материални тежаш, меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат жараёни ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг штатсиз мухбири.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ИШ УНУМИ ОРТДИ

Тошкент тажриба—механика ремонт—экскаватор заводи Андижон филиалининг металл конструкциялар цехида меҳнат унумдорлиги тўрт баравар ортди. Ишлаб чиқаришни янгилаш, жумладан лист эгадиган янги машинани ишга туширишдан ташқари, Рязань темирчилик—пресслаш машина—ускуналари заводида ясалган агрегат қалинлиги 45 миллиметр ва эни қарийб 4 метрга борадиган пўлат листларни бир неча минутда эгишга имкон беради. Холбуки илгари шу ишга соатлаб вақт кетарди. Маҳсулот сифати ҳам кўтарилди.

Ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш натижасида Андижон машинасозлари энг масъулиятли буюмларни ҳам муваффақиятли бажарадиган бўладилар. Йил бошидан бери улар Фарғона ва Наманган шаҳал заводларига, Андижон ип-газлама комбинатининг Марҳамат райони филиалига, янги насос станциялари қурилишига 1200 тонна мураккаб металл конструкциялар жўнатдилар.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Ғарбий Сибирь, Бошқирдистон ва Татаристон конларидан қурилаётган газ магистралларининг компрессор қурилмалари учун ускуналарни Тошкент етказиб бера бошлади. «Средазгазавтоматика» заводи газ босимини тартибга солиб турадиган принципиал жиҳатдан янги регуляторларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу регуляторлар «зангори олов» босимини 160 атмосферада сақлаш, яъни аввалги шундай машиналарга нисбатан икки баравар кўп босимни таъминлаш имконини беради. Бунинг натижасида ётқизилаётган пўлат ўзанларга икки баравар кўп ёқилғи етказиш мумкин бўлади.

Заводнинг янги маҳсулоти ғоят мураккабдир. Шу боисдан уни тайёрлаш энг тажрибали ишчиларга: газ қиркувчи И. Ферберга, токарлардан Р. Сафаргалиев билан Н. Ефимовга, пармаловчи К. Нажимовга, фрезерчи В. Поляевга, термист С. Мартевалиевга, йиғувчилар Н. Зуев, Г. Ляшки ва Н. Диннумухамедовларга топширилди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ

ПРАГА. Жиар Грон шаҳридаги Словакия миллий қўзғолони номли алюминий заводи коллективи шу кунларда ўзининг 30 йиллик юбилейини ўтказмоқда. 1953 йил сентябрь ойида бу ерда Чехословакияда биринчи қумуш рангли металл қуйилган эди. Ҳозирги вақтда республика аҳоли жон бошига алюминий ишлаб чиқариш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўнта мамлакат қаторига кирган.

Грон дарёси бўйида жойлашган Жиар шаҳридаги завод Совет Иттифоқи билан Венгриянинг катта техникавий ёрдамида Словакияни индустрлаштириш йилларида қурилган эди. Заводнинг ишга туширилиши Чехословакия экономикасини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади. ЧССР 50-йилларнинг ўрталаридаёқ чет эллардан шундай металл сотиб олишни тўхтатиб қўйди.

Кейинчалик алюминий ва ундан ишланган буюмлар Чехословакия экспортининг муҳим қисми бўлиб қолди. Москвадаги Внуково аэровокзали ва Таллиндаги аэропорт бинолари комплекси Жиар шаҳрида ишлаб чиқарилган йиғма алюминий конструкциялардан бунёд этилганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Заводда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда технологияни такомиллаштириш, заҳарли тутунларни атмосферага мумкин қадар кам чиқариш мақсадида юксак унумли тозалаш техникаси қуриш жараёни давом этмоқда.

Завод ўз юбилейини асосий цехларни кенг миқёсда модернизациялаш билан кутиб олмоқда.

ҲАМКОРЛИК ҚОНУНИГА КЎРА

Болгария Халқ Республикаси, Йил сайин Аэрофлот ва Болгариянинг «Болқон» авиакомпанияси ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Совет Иттифоқи кадрлар тайёрлашда, Болгария аэропортларини техника билан жиҳозлашни яхшилашда ёрдам кўрсатмоқда. Ҳар икки мамлакат самолётлари парвоз қилаётган Москва — София дўстлик йўли намунали йўлга айланган. Яқинда ана шу йўл бўйлаб совет Аэрофлот авиакомпаниясининг «ИЛ—86» аэробуси қатнай бошлади. Қудратли ҳаво кемаси 350 йўловчини ва анчагина миқдорда юкларни элтади.

СУРАТДА: «ИЛ—86» аэробуси София аэропортида; совет ҳаво кемасининг экипажи (чапдан иккинчи—командир В. И. Филатов).

А. Смирнов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

БРАЗИЛИА. Бразилиядаги энг йирик саноат шаҳри ҳисобланган Сан-Паулуда юзлаб ишсизлар иш билан таъминлашни талаб қилмоқдалар. Улар ўз одилона талаблари қондирилишини кутиб, оилалари билан биргаликда шаҳар марказида чодирлардан шаҳарча ташкил қилдилар. Шаҳарча аҳолиси кўпайиб бормоқда, чунки ишсизлик Бразилиянинг ана шу энг индустриал маркази меҳнаткашларининг турли табақаларини тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Август ойининг ўзидагина Сан-Паулуда салкам 13,5 минг киши ишсиз қолди. Бу йил эса у ерда жами қарийб 108 минг «ортиқча киши» ишсизлар армиясига қўшилди.

Чодирлардан иборат шаҳарчада бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан кишилар маҳаллий ва ажнабий монополиялар ўзлари олаётган жуда катта фойдани сақлаб қолишга интилиб, мамлакат бошидан кечираётган иқтисодий тангликнинг бутун оғирлигини меҳнаткашлар гарданига юкламоқдалар, деб таъкидладилар.

* * *

САН—ФРАНЦИСКО. «Сан —Франциско учун ядро хавфи туғилмоқда». Шу номда бу ерда кўп нусхада чоп этилган китобча шаҳарнинг бутун аҳолисига тарқатила бошланди. Китобча замонавий ялпи қирғин воситаларидан фойдаланиб уруш бошланган ва Сан—Франциско устида атиги битта ядро қуроли портлаган тақдирда қандай фалокатли оқибатлар юз бериши мумкинлигини аҳолига тушунтириш мақсадида муниципал кенгаш қарорига мувофиқ нашр этилган.

Одамлар ҳақиқатни билишлари лозим, деди муниципалитет инспекторлар кенгашининг аъзоси Н. Уокер хоним журналистларга. Китобчада ядровий қуролланиш пойгасига чек қўйиш ва ядро урушининг олдини олиш учун барча чораларни кўрадиган вакилларни қонун чиқарувчи органларга сайлаш ҳақидаги талаб ёзилган мактубни Рейган маъмуриятига юбориш тўғрисидаги даъват баён қилинган.

АКТРИСАНИНГ ШУҲРАТИ

Актриса Жули Ридж Нью-Йоркнинг Ист-Ривер сувига шўнғиганида у америкаликларга «О, Калькутта» фильмидаги роллардан бирининг ижрочиси сифатидагина танилган эди. У сувдан юлдуздек чақнаб чиқди. Энди актрисани ҳамма Манхэттен атрофи бўйлаб тўхтовсиз 2 марта айланиб чиққан биринчи киши сифатида таниди. У бу «рекорд» учун 21 соатту 2 минут 49 секунд сарфлади.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР

Сўнгги икки ой мобайнида Туркияда автомобиль фожиаси туфайли 144 киши ҳалок бўлди. 118 киши эса оғир жароҳатланди деб хабар беради «Хюррист» газетаси.

Фожиаларнинг энг асосий сабабчиси,—деб ёзади газета, — автомобиллар маст ҳолда бошқарилаётганлигидадир.

Газетанинг хабарига кўра, Туркия йўл транспорт ҳодисалари бўйича Европада биринчи ўринни эгаллади. Ўтган йили мамлакатда йўл транспорт ҳодисалари туфайли 4.300 дан ортиқ киши оламдан кўз юмди.

«ДУМЛИ ҚАРОҚЧИЛАР»

Бир неча кун мобайнида Монреаль (Канада)да телефонлар «ғалати қилиқ» чиқариб қолишди. Ҳатто алоқа узилиб, телефонлар бир неча кун ишламай қолди. Бу ҳодисанинг сабабчиси номаълум бузғунчилар эди. Ниҳоят, алоқачилар «айбдорлар»ни топдилар. Олмахонлар бу ҳодисанинг сабабчиси, гуноҳкори бўлиб чиқишди. Бу ҳайвонларга изоляцион материаллар таъми ёқиб қолди. Айни пайтда улар бу хилдаги материалларни тановул қилишди. Думли қароқчилардан телефон симларини муҳофаза қилиш системаларини қайта ишлаб чиқишга тўғри келди.

МИЛЛИЙ ЮРИШ

Болгарияда «Онам ва отам билан тоққа» шиори остида биринчи марта миллий оилавий туристик слёт юриши ўтказилди. Слётда 140 га яқин оила қатнашди. Юриш вақтида бадиий ҳаваскорлар кўриги, қандолатчилар конкурси бўлиб ўтди. Слёт қатнашчилари музейларни ва диққатга сазовор тарихий жойларни бориб кўрдилар.

Биргаликдаги оилавий экспедицияни уюштириш Болгария аҳолиси ҳаётида катта аҳамият касб этди. Бу йилги ёзда турли районларда ўтказилган миллий юриш кўпгина ўхшаш оилавий экспедициялар учун финалга етиб келишдек туюлди.

ЎСАЁТГАН ТОҒ

Берклидаги Калифорния университетининг олимлари узоқ давом этган тадқиқотлардан сўнг жаҳондаги энг улкан тоғ — Ҳимолай йилига бир миллиметрдан ўсаётганлигини аниқладилар. Чет эл матбуотининг хабар беришича, улар бундай тезлик билан ўсишни Евразия материгининг силжиши билан боғлиқ, деган хулосага келдилар.

УЛКАН ЛУҒАТ КИТОБИ

Ҳинд тилшунос олимлари бир неча йилдан бери улкан луғат китобини яратиш устида ишлашаётган эди. Бу иш якунланай деб қолди. Улкан луғат китоби 1984 йилнинг бошларида чоп этиладиган бўлди. Бу луғат китобида ҳинд сўзларининг Ҳиндистонда яшовчи 13 миллат тилларига таржимаси берилган бўлади.

ФАН ВА ТЕХНИКА МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. Фан ва техника энг янги ютуқларининг ишлаб чиқаришга тез жорий этилаётганлиги ГДР меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Чунончи. Вельцоводаги қўнғир кўмир карьери коллективи йилнинг дастлабки саккиз ойи мобайнида пландан ташқари миллион тоннадан кўп кўмир чиқарди. Бу муваффақиятга кўмирни транспортёрларга ортишни назорат қилиб турган саноат роботларининг ишлатилганлиги туфайли эришилди. Ҳозирги вақтда фақат 4 тагина экскаватор мана шундай «механик ёрдамчилар» билан жиҳозланган. Бу экскаваторларнинг иш унуми қарийб учдан бир қисми миқдорида ошган. Йил охирига бориб, барча экскаваторлар электроникининг мана шу янги қурилмаси билан жиҳозланади.

Магдебургдаги Г. Димитрев номли оғир машинасозлик заводининг 3 минг кишилик коллективи кон қазиш техникасини етказиб бераётган асосий коллективдир.

Саломатлик
ҳақида суҳбатлар

Шифокор қабулида

САРИҚ КАСАЛИДАН САҚЛАНИНГ

Ҳурматли редакция! Сариқ касали келиб чиқишига нима сабаб бўлади? Ундан сақланиш учун нималарга эътибор бериш керак? Шу ҳақда маслаҳат бергайсиз.

Т. Низомов, Х. Обидов, ишчилар.

Сариқ хасталиги (вирусли гепатит) маълум даражада организмнинг ҳаҳарланиши ва асосан жигарнинг жароҳатланиши билан кечадиган юқумли хасталикдир. «Гепатит» сўзи «жигарнинг яллиғланиши» деган маънони билдиради. Амалдаги қоидага кўра, бу касалликнинг «А» гепатити ва «В» гепатити деб номланадиган икки тури маълум. Улар бир-биридан юқиш йўли ва турлича кечиши билан фарқланади.

Қандай тарқалишидан қатъий назар, касаллик кўп ҳолларда кўз оқи ва терининг сариғайиши билан кечади. Шу боисдан халқимиз бу хасталикни сариқ касаллиги деб юритишади.

Хасталикнинг дастлабки даврида ҳароратнинг кўтарилиши, иштаҳа йўқолиши, дармонсизлик, тўш остида оғриқ, баъзан кўнгил айниши ва қусиш аломатлари рўй беради. «В» гепатитида дармонсизлик билан бир қаторда бўғимлардаги оғриқ, бадан қичиши кўпроқ учрайди. Шундай аломатларни эса касаллик чақирувчи микроблар кўп учрайди. Оғизда узоқ вақт даволанмаган тишларнинг бўлиши ҳам стоматитнинг сабабчисидир, чунки битта тиш кавагида минглаб микроб ҳужайралари паноҳ топади.

Кўп ҳолда оғиз шиллиқ пардасининг шикастланиши кузатилади. Бунинг сабабчиси хилма-хил механик, физик ва химиявий факторлардир. Механик шикастланишларга сабаб даставвал «бўри» тишлардир, улар алдатта олиб ташланиши керак. Мурғак болага эҳтиёжсиз сўрғич бериш танглайининг шикастланишига олиб келади. Кейинчалик бузилган тишларнинг ўткир қирралари, уларнинг илдизлари, зарарли одатлар — лабни, лунжни тишлаш шиллиқ кавагини шикастлайди.

Ота-оналар болалар тишларининг озода, соғлом ва яхши ўсишига алоҳида эътибор беришлари лозим. «Фалончининг тиши фалон доридан тузалибди» деб ўз билгича дори-дармон қилмаслик керак.

Яқинда «Медицина» нашриёти Т. Файзуллаев ва В. Епишевларнинг «Стоматитлар ва уларни даволаш» китобчасини чоп этди. Муаллифлар ушбу китобда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалларининг турлари, уларнинг сабабчилари, белгилари ва даволаш усулларини, ёшга оид хусусиятларини баён қилган. Мазкур китоб ўзбек тилида биринчи марта ёзилган қўлланмадир. Асар фақат медицина ходимларигагина эмас, балки кенг омма учун тушунарли, содда тилда ёзилган. Бу китобча билан танишиш кўпчилик учун фойдалидир.

Х. ШАМСИЕВ, Х. ВАҲОБОВ,
Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институти болалар стоматологияси кафедраси ассистентлари, медицина фанлари кандидатлари.



Болаларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш учун шифокорлар доим фидокорлик кўрсатишади. Республика педиатрия институтининг реанимация бўлимида ёш гўдаклар яхши даволаниш-моқда.

СУРАТДА: реанимация бўлимининг мудири, моҳир врач Нина Павловна Южева махсус аппаратда бемор дардини аниқлаяпти.

• *Оналар, Сизлар учун*

СТОМАТИТЛАР НИМА?

Стоматитлар нима! Бу хасталик билан болалар оғзи касалланганда қандай даво чораларини кўриш керак!

Мунира УСМОНОВА, боғча тарбиячиси.

Оғиз бўшлиғи касалликлари (стоматитлар) деганда, одатда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва милклар касалликлари, шикастланишлари ва организмнинг бошқа системалари хасталикларида содир бўладиган ўзгаришлар тушунилади. Бу касалликларнинг келиб чиқишига кўпинча вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва аллергия сабаб бўлади. Вирусли стоматитлар асосан боғча ёшидаги болаларда учрайди, у бошқа вирусли касалликлар каби юқумлидир.

Хасталикнинг бошланиши бола ҳароратининг кўтарилиши, сўлакнинг кўп ажралиши билан характерланади. Иштаҳа йўқолади, гапирганда ва овқат чайнаганда оғизда оғриқ сезилади, сўнг шиллиқ қават қизариб, унда майда пуфакчалар ҳосил бўлади, пуфакчалар тезда ёрилиб, ўрнида ҳар хил шаклдаги чақалар қолади. Бу даврда боланинг аҳволи анча оғирлашади, ҳарорати янада кўтарилади, оғизда кучли оғриқ сезилади, овқат ейиши қийинлашади, чақалар қонаб туради. Шу ҳолат касалликнинг формасига қараб 3 кундан 10 кунгача давом этади. Ўз вақтида даволаш ва профилактика чоралари кўрилмаса, касаллик оғир формада ўтади.

Микробли (бактериал) стоматитларнинг келиб чиқишига сабаб оғиз гигиенасига риоя қилмаслик, тишларни ўз вақтида тозаламасликдир. Натижада тишларнинг юзасида караш ҳосил бўлади, тиш каршида эса касаллик чақирувчи микроблар кўп учрайди. Оғизда узоқ вақт даволанмаган тишларнинг бўлиши ҳам стоматитнинг сабабчисидир, чунки битта тиш кавагида минглаб микроб ҳужайралари паноҳ топади.

Кўп ҳолда оғиз шиллиқ пардасининг шикастланиши кузатилади. Бунинг сабабчиси хилма-хил механик, физик ва химиявий факторлардир. Механик шикастланишларга сабаб даставвал «бўри» тишлардир, улар алдатта олиб ташланиши керак. Мурғак болага эҳтиёжсиз сўрғич бериш танглайининг шикастланишига олиб келади. Кейинчалик бузилган тишларнинг ўткир қирралари, уларнинг илдизлари, зарарли одатлар — лабни, лунжни тишлаш шиллиқ кавагини шикастлайди.

Ота-оналар болалар тишларининг озода, соғлом ва яхши ўсишига алоҳида эътибор беришлари лозим. «Фалончининг тиши фалон доридан тузалибди» деб ўз билгича дори-дармон қилмаслик керак.

Яқинда «Медицина» нашриёти Т. Файзуллаев ва В. Епишевларнинг «Стоматитлар ва уларни даволаш» китобчасини чоп этди. Муаллифлар ушбу китобда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалларининг турлари, уларнинг сабабчилари, белгилари ва даволаш усулларини, ёшга оид хусусиятларини баён қилган. Мазкур китоб ўзбек тилида биринчи марта ёзилган қўлланмадир. Асар фақат медицина ходимларигагина эмас, балки кенг омма учун тушунарли, содда тилда ёзилган. Бу китобча билан танишиш кўпчилик учун фойдалидир.

Х. ШАМСИЕВ, Х. ВАҲОБОВ,
Тошкент Давлат врачлар малакасини ошириш институти болалар стоматологияси кафедраси ассистентлари, медицина фанлари кандидатлари.

• *Газетхон илтимоси*

Сурункали колит давоси

Ҳурматли редакция! Сурункали колит касалини даволаш, унинг олдини олиш ҳақида мақола беришингизни илтимос қиламан.

Д. САЪДУЛЛАЕВ, ишчи.

Сурункали колит деганда йўғон ичак деворининг яллиғланиши, унинг физиологик функциясининг бузилиши, бунинг натижасида бутун организмнинг таъсирланиши тушунилади. Йўғон ичакда чириш ва ачиш процессларининг мувозанати бузилади, бу ҳолат тезланиши туфайли ичакда заҳарли моддаларнинг (фенол, индол, аммиак ва бошқалар) миқдори ошади ва қонга кўпроқ сўрилиб бутун организмга тарқалади. Бу ҳолатда беморда қуйидаги белгилар пайдо бўлади: касалнинг меҳнат қилиш қобилияти сусаяди, эшитиши камаяди, боши оғрийди, уйқуси бузилади, оёқ-қўллари музлаб, сержаҳл бўлиб қолади, хотираси пасаяди, кўнгли айнайди. Оёқ ва қўл титраши ёки томир тортишиш ҳоллари юз бериши ҳам мумкин. Бундай ҳолатни организмнинг заҳарланиши дейилади.

Сурункали колитга чалинган беморларда йўғон ичак деворининг яллиғланиши туфайли ва айниқса чириш моддаларининг ичакда кўпроқ ҳосил бўлиб қонга сўрилиши натижасида, узоқ вақт даволанмаслик оқибатида бошқа органларнинг ҳам функцияси бузилади. Асосан, ошқозон, ошқозон ости без, ўт пуфаги, жигар, буйрак, юрак, асаб системасининг функцияси бузилади. Руҳий фаолиятнинг ўзгарганлиги кузатилади.

Сурункали колит касални даволашда комплекс метод қўлланилади. Бу дардга чалинган беморлар парҳезга алоҳида эътибор беришлари зарур. Колитларнинг ҳамма формаси учун овқат сифатли маҳсулотлардан тайёрланган бўлиши ва технологик процессга амал қилиб пиширилиши керак.

Хасталикни даволашда оқлик суюқликларни ва заҳарланишга қарши (гемодез, дисоль ва бошқа) суюқликларнинг аҳамияти катта. Даволашга ёғ-фирацциллин, крахмал ва бошқа даво клизмалари фойдали. Шуни унутмаслик керакки, қабзият зўрайганда сурги, тозалаш клизмаси касалликни зўрайтириб юбориши мумкин.

Физиотерапия усули даволашда жуда кўп фойда келтиради. Тоза ҳавода сайр қилиш, даволаш бадан тарбияси ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Ш. ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг директори, медицина фанлари докторн.

Фан ва техника янгиликлари

ҚОҒОЗДАН... ҚУВУРЛАР

Киевлик олимлар «Тулабумпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари билан биргаликда бир неча қават қоғоз ва картон елимлаб тайёрланган пишиқ ва енгил қувурлар ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқдилар.

— Украинада плёнкали полизларга бир ярим минг гектар ер ажратилган, — деди шу иш раҳбари, химия фанлари кандидати Ю. Скляренко. — Аммо сунъий иситиш йўқлигидан шу майдоннинг кўп қисмидан фақат эрта кўкламдагина фойдаланилади. Қишки ойлар ҳисобига мавсумни узайтириш учун ҳатто юз процент намликда ҳам коррозияга учрамайдиган махсус пўлатдан ишланган кўпдан-кўп қувур зарур бўлади. Халқ хўжалигининг бошқа кўп тармоқлари ҳам ана шундай материалларга ғоят муҳтож. Картон-қоғоз қувурлар эса ишлатилиш сифати жиҳатидан металл қувурлардан қолишмайди. Улар анча енгил ва арзон, ясаш содда ва анча тез монтаж қилинади. Иссиқ ҳаво уларда температурани бир маромда ушлайди. Натижада усти ёпилган жойнинг ҳар қандай учаскасида сабзавот баравар ўсиб етилади.

(ТАСС).

Ешларга музика сирларини ўргатишда, уларнинг эстетик оламини бойитишда Акмал Икромов районидаги 28-етти йиллик музика мактаби педагогик коллективи намунали ишлашмоқда.

СУРАТДА (чапдан-ўнгга) концертмейстр М. Акромова, консерваториянинг катта ўқитувчиси А. Умаров 3-синф ўқувчиси Ж. Темуров билан гижжак бўйича машғулот ўтказишмоқда.

Х. Мирзакаримов фотолари.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

«Муножат» асосида симфония

Республикамизнинг таниқли композиторлари яратаётган янги музика асарлари замондошларимизнинг бой маънавий дунёси, интилишлари, орзу-ўйларини акс эттиради. Бу замонавий асарларнинг кўпчилиги ўзбек классик куйлари, оҳанглари асосида ҳам яратилянти. Яқинда «Баҳор» концерт залида биринчи марта музика мухлислари эътиборига ҳавола этилган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мирсодиқ Тожиевнинг ўн биринчи симфониясига ўзбек халқ классик қўшиқларидан «Муножат» асос қилиб олинган. Таниқли композиторлар, бастакорлар бу янги симфоник асарга юксак баҳо беришди. У яқинда Самарқанд шаҳрида ўз ишини бошлайдиган музикашунослар-нинг II Халқаро симпозиуми иштирокчилари эътиборига ҳам ҳавола этилади. Республика композиторлари ёш истеъдодли композитор, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Дилором Сайдаминованинг «Байрам увертюра»сига ҳам яхши баҳо беришди. Бу янги музика асарларини Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ижро этди.

КОМПОЗИТОРНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

«Баҳор» концерт залида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреати композитор Сайфи Жалилнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш Давлат комитети ва республика Композиторлар союзи томонидан ташкил этилган таниқли санъаткор ижодий кечада Сайфи Жалилнинг турли музика жанрларида ёзган асарлари, қўшиқ ва романслари, музикали драмаларидан парчалар янгради. Композиторнинг авторлик кечасида республиканинг таниқли санъат усталари ва ёш ижрочилари Сайфи Жалил ижодига мансуб музика асарларини ижро этишди.

САТИРА—ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

Яқинда Ватанимиз пойтахти Москвада очиладиган плакатлар ва расмлар тўртинчи Халқаро кўргазмаси шундай номланади.

Бу кўргазмада тошкентлик таниқли рассомлар Ф. Кагаров, В. Евенко, А. Балканов, М. Громико, М. Калинин, В. Думкин ва бошқа сатира усталарининг йигирмадан ортиқ янги асарлари ҳам намойиш этилади.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Фаррух Кагаров илгари ўтган учта кўргазмада ҳам қатнашган эди. У «Сатира—тинчлик учун курашда» биринчи Халқаро кўргазмасининг дипломанти бўлишга сазовор бўлган. Рассом ўз устида ижодий изланиб, янги-янги плакатлар яратмоқда. Уларда совет кишиларининг тинчлик учун кураши, қуроллариш пойгасига қарши олиб бораётган қатъий ҳаракатлари ўзига хос йўсинда тасвирлаб берилган.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛАРДА: Москва кўргазмасида намойиш этиладиган тошкентлик плакат усталари асарларидан намуналар.

Автор фотолари.

Ажойиботлар оламида

ЛЕВ ТОЛСТОЙНИНГ КУНДАЛИК РЕЖИМИ

Қаттиқ ақлий меҳнатни актив ҳордиқ чиқариш билан алмаштириб туришдан ибрат қатъий режим Лев Толстой жуда кексайганида ҳам иш қобилияти ва соғлигини сақлаб қолишига шубҳасиз ёрдам берган.

Лев Николаевич ўрнидан эрта турар ва албатта парк, ўрмон, дала бўйлаб бир ярим соат сайр қилиб келарди, дейди Л. Н. Толстойнинг «Ясная поляна»даги музейқўраси илмий ходими И. Гризлова. У буюк ёзувчи кун режимини кўп йил ўрганиб чиқанди. Шундан сўнг ёзувчи иш столи ёнига ўлтирар, танаффус чоқларида эса гантель тош билан шуғулланарди. Ясная Поляна-дагги уйни зиёрат этувчилар бугунги кунда ҳам шу тошларни унинг ётоқхонасида кўрадилар. Уй билан дарвозахона орасидаги чоғроқ турник ҳанузгача сақланган. Лев Николаевич ҳамроҳ топилса тушликдан сўнг бир қўл шахмат ўйнашга ўлтирарди.

Буюк ёзувчи от миниб юриш билан ҳам шуғулланар, яхшигина сузар, чангида югурар, теннис ва городки ўйнарди. Ёши анчага бориб қолганида велосипед ҳайдашни ҳам ўрганиб олди.

«Мушакларимга танамни мустаҳкамлайдиган, қаттиқ уйқу, яхши кайфият берадиган иш бермай қўйганимда аллақачон аҳволим ёмонлашган бўлармиди...» — деди Лев Николаевич. Ёзувчи ижоддан ҳоли пайтларида бир умр мушакларини бўш қўймас — этик тикар, ер ҳайдар, пичан ўрарди.

ШАҲАРНИНГ САВДО БЕЛГИЛАРИ

Юз йилдан кейин Львов магазинлари, кафелари, устаханалари олдида яна қадимги савдо рекламалари — осма белгилар пайдо бўлди.

Ўрта асрларда қизғин савдо йўллари чорраҳасида ўсган шаҳарнинг гуриллаб ривожланиши ана шу рамзлар бунёдга келишига кўмак берганди. Сершовқин ва турли миллатдаги савдогарлар қўнган шаҳарда ўзига хос «эсперанто» ғоят қўл келар ва ҳаммага аён эди. Кўпикли тосга қараб сартарош устахонасини дарров билишарди, новвойхона эшиги устида эса ширин кулча илиб қўйилганди, каттагина мис қилич эса қурол-аслаҳа палатасининг эмблемаси бўлиб хизмат қиларди. Буларнинг ҳаммаси кўркам, оригинал бўлиб темирчилар маҳорати зўрлигидан далолат берарди.

Безакчи рассомлар қадимги шаҳарга унинг тарихий қиёфасини қайтармоқчи бўлдилар. Тор кўчалардаги уйлар устига ўрнатилган нурли рекламаларни кўчириб олдилар. Унинг ўрнига кронштейн тақиб, осма «таширифномаларни» илиб қўйдилар. Заргарлик устахонаси устидаги нафис ишланган «малахит кутича» Львов архитектурасига ғоятда мос келди. Қудратли кентавр «бозордаги» кафега таклиф этди, меҳмондўст шер эса «эски Львов» барига чорлайди.

Осма белгилар Львов тарихий марказига хос детель бўлиб қолди. Энди улар асл қиёфасини олмоқда.

(ТАСС).

ХУШНУД ЭТИШМОҚДА

БАСКЕТБОЛ. ОЛИЙ ЛИГА

Бу йил баскетбол мухлислари учун дам олиш деярли бўлмади. Март ойида эркаклар ва аёллар мамлакат чемпионати якунлаши билан СССР халқларининг VIII ёзги Спартакиадаси турнири бошланди. Баскетболчи йигитлар эса шу орада Европа чемпионатида қатнашишга улгуришди. Аёллар Жаҳон чемпионатини якунлашлари билан Европа биринчилигини бошладилар. Энди эса яна янги баҳслар. 25 сентябрь куни Тбилиси ва Рига шаҳарларида баскетбол бўйича эркаклар командалари мамлакат 51-чемпионатини бошладилар.

Тошкентнинг «Университет» командаси баскетболчилари учун бу мавсум учинчи мавсумдир. Маълумки, биринчи мавсумда ҳамшаҳарларимиз бир неча кучли коллективларни мағлубиятга учратган бўлишларига қарамасдан олий лигани тарк этишга мажбур бўлишди. Орадан бир йил ўтганидан кейин улар катта куч ва ирода эвазига яна олий лигага қайтишди. Улар тўққизинчи ўринни эгаллаб, олий лигада мустаҳкамланиб олдилар. Аммо ўтган йили эришилган натижа хотиржамликка берилиш учун имкон бермайди. Шу боисдан ҳам бу йилги мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилди. Дастлабки машғулотлардаёқ умумий жисмоний тайёргарлик, мустаҳкамланди. Кейин техника ва тактикани такомиллаштириш амалга оширилди. Тошкентда ўтказилган Мадагаскар терма командаси, шунингдек, Киев шаҳридаги «Строитель», армия спорт клуби билан, Каунас шаҳридаги халқаро учрашувлар команданинг имкониятларини синовдан ўтказишга шароит яратди. Халқаро турнирда командамиз яхши қатнашди. Шунинг учун ҳам у мавсумга яхши тайёргарлик кўрди, дейиш мумкин.

Спортнинг бошқа турларига нисбатан баскетболда чемпионатни ўтказиш тартиби тез ўзгариб туради. Бу йилги чемпионат ҳам ўтган йилдагидан кескин фарқ қилади. XXIII Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш муносабати билан командалар ўтказиладиган учрашувлар сони бирмунча камайтирилди. Кўпчилик командалар бу йил 26 тадан учрашув ўтказишади. Фақат, турнир жадвалида дастлабки тўрт ўйин учун курашадиган командалар қўшимча беллашадилар. Шунингдек, жадвалда ўн биринчи ўринни эгаллаган команда ҳам олий лигада қолиш учун қўшимча учрашув ўтказиши лозим бўлади.

Чемпионатнинг биринчи босқичи тез якунланади. Биринчи даврада 12 коллективдан кучли олти коллектив аниқланади. Улар медаллар учун курашни давом эттиришади. Бошқа олти коллектив эса 7—12-ўрин учун баҳс юритишади. Иккинчи босқич баҳсларида командалар ўзаро уч мартадан беллашадилар. Ҳар икки босқичда ҳам ўйинлар доира системасида ўтказилади. Фақат финал учрашувларигина алоҳида календарь бўйича олиб борилади.

Олий лига коллективларининг состави бу йил ниҳоятда кучли. 12 коллектив орасидан биронта бўш команданг топиш мушкул. Бунинг учун бир мисол келтирайлик. Олий лигага янги қўшилган Рига шаҳрининг армия спорт клуби бир неча марта мамлакат чемпиони Марказий армия спорт клубини мағлубиятга учратди. Бу нарса командаларнинг куч ва имкониятлари тенглашиб бораётганлигидан далолатдир. Яна бир мисол. Ўтган йили киевлик армиячилар базўр олий лигада қолишган эди. Кузда эса улар Ленинграднинг «Спартак» ва Риганинг ВЭФ коллективлари баскетболчиларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратишди.

Шу ўринда Тошкентнинг «Университет» командаси шаънига ҳам илиқ сўзлар айтишга тўғри келади. Команда составида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Риганинг ВЭФ коллективидан марказий ҳужумчи Николай Назаров келиб қўшилди. Команданинг ўйин самарадорлиги ва сифати жиддий яхшиланди. Ҳозир ҳамшаҳарларимиз Тбилисида баҳс юритишяпти. Улар учрашувларни ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказишмоқда.



Ҳамшаҳарларим и з маҳаллий динамочилар билан бўлган учрашувда мағлубиятга учраган бўлишларига қарамасдан (88—89) Минск шаҳрининг РТИ ва Риганинг армия спорт клуби коллективларини енгишди. Қисқа қилиб айтганда, чемпионат баҳслари бошланди. У февраль ойига қадар давом этади. Кўп нарсалар ўзгариши мумкин. Фақат бир нарсага ишончимиз комил, чиройли ўйин кўрсатаётган «Университет» олий лигада мустаҳкам ўрнашиб олади.

С. ДАНИЛОВ.

СУРАТДА: «Университет» ва Тбилисининг «Динамо» командаси учрашувидан лавҳа.

Д. Михайлов фотоси.

ТО
СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. АДИЕВ: Мен 1982 йилдаги меҳнат отпускамни олмаган эдим. Яқинда 1983 йилдаги меҳнат отпускамни олдим. Бироқ менга 1982 йилдаги отпускамни қўшиб беришмади. Кадрлар бўлимида: «1982 йилдаги меҳнат отпускангизни ўз вақтида олишингиз керак эди. Энди у қийди», дейишди. Шу тўғрими?

Жавоб: Йўқ, тўғри эмас. Ўзбекистон ССР Давлат Меҳнат қонунининг 88-моддасига биноан маъмурият ходимга ҳар йили меҳнат отпускасини бериши шарт. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш шароитларига биноан ходимнинг отпускасини келаси йилга (ходимнинг ва касаба союз комитетининг розилиги билан) кўчириш мумкин. Кўчирилган отпуска бошқа йил учун бериладиган отпускага қўшилган ҳолда берилади. Бунда икки йилдан ортиқча отпускаларни қўшиб олишга рухсат берилмайди.

* * *

Е. СОДИҚОВА: Мен 1955—1959 йилларда «5 декабрь» тикувчилик фабрикасида (ҳозирги «Илғор» бирлашмасида) ишлаган эдим. Баъзи бир сабабларга кўра ишдан бўшаганимдан сўнг меҳнат дафтарчамни ололмаган эдим. Вақт ўтиши билан бу фабрика бошқа жойга кўчди. Мен бир неча бор меҳнат дафтарчамни топиб беришларини илтимос қилдим. Корхона раҳбарлари ўзлари уйга почта орқали юборишга ваъда беришганди. Лекин ҳамон бу ваъдаларини бажарганлари йўқ. Мен меҳнат дафтарчамни қандай қилиб олсам бўлади?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра маъмурият ходим ишдан бўшаган куни унга меҳнат дафтарчасини бериб, тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши керак. Мактубингизнинг мазмунига караганда, орадан узоқ муддат ўтиши ва фабрика бошқа жойга кўчиши оқибатида меҳнат дафтарчангиз йўқолган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда сизга меҳнат дафтарчаси дубликати берилиши шарт. Бунда янги меҳнат дафтарчасининг биринчи бетининг юқори кисмя ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзиб қўйилиши керак. 1975 йил 1 январдан кейинги меҳнат дафтарчасининг дубликати аввал ходимнинг меҳнат дафтарчаси қандай бўлишидан қатъий назар, янги нусхада берилиши керак.

Меҳнат дафтарчаси дубликати умумий қоидага асосан тўлдирилади. «Иш ҳақидаги маълумот», «Мукофотлар ҳақидаги маълумот», «Рағбатлантиришлар ҳақида маълумотлар» бўлимларига иш, мукофот ва рағбатлантиришлар ҳақида тегишли маълумотлар илгари чиқарилган буйруқлар ва фармойишлар асосида ёзиб қўйилади.

* * *

А. ЭШМУРОДОВ: Мен уч йилдан бери механика-ремонт заводида слесарь вазифасида ишлайман. Аслида эса пайвандчига ёрдам бериб пайванд ишлари билан шуғулланаман. Пайвандчига 12 кун қўшимча, жами 24 иш куни меҳнат отпускаси берилса, меннинг меҳнат отпускам 15 кундан ошмайди. Шу тўғрими?

Жавоб: Меҳнат отпускасига тегишли қўшимча кунлар СССР Меҳнат ва социал масалалар Давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг 1974 йил 15 октябрда тасдиқланган рўйхатида кўрсатилмаса, очиқ усулда ишлайдиган электр пайвандчилар меҳнат отпускасига 6 кун, ёпиқ усулда ишлайдиган электр пайвандчилар меҳнат отпускасига 12 кун қўшилади.

Сиз пайвандчи касбига маъмуриятнинг буйруғига биноан ўтказилгансиз, шундай имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

А. ҲАСАНОВ, юрист-консультант.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

5 ОКТЯБРЬ 1983 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОМАТИК ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Бошқа шаҳардаги абонент билан алоқа ўрнатиш учун «8» рақамини териб, узлуксиз гудокни кутиш, сўнгра шаҳар коди ва чақирилаётган абонент номерини териш лозим. 42,44,62 ва 66-АТСларнинг абонентлари эса бунга қўшимча равишда ўз телефон номерларини териши зарур.

Автоматик шаҳарлараро телефон алоқаларидан қуйидаги АТСларнинг абонентлари фойдаланишлари мумкин: 24, 29, 32, 33, 35, 39, 41, 42, 44, 46, 48, 53, 55, 56, 58, 62, 66, 76, 77, 78, 90, 91, 96 (295ххх, 296ххх, 297ххх, 298ххх, 299ххх, 469ххх, 538ххх, 645ххх, 646ххх, 648ххх, 649ххх номерлари бундан мустасно).

Номерларни теришда рақамлар орасидаги пауза 4 секунддан ошмаслиги керак. Катта узилиш боғланишни йўққа чиқаради. Барча рақамларни териб бўлгач, агар 30—35 секунд оралиғида алоқа боғланмаса, трубкани қўйиб, қайта териш лозим.

Автоматик шаҳарлараро телефон алоқаси бўйича чақирилаётган шаҳар АТСи справкалар бюросидан сира керакли абонентнинг телефон номери хусусида справкалар олишингиз мумкин, бунда сўзлашув учун одатдаги тартибда ҳақ тўланади.

39-49-10 ва 33-58-10 телефонлари орқали сиз автоматик шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари тўғрисида ахборот олишингиз мумкин.

Автоматик алоқа бўйича иш кунларида 00.00 дан 07.00 гача ва 18.00 дан 24.00 гача, дам олиш ва байрам кунларида бутун кеча-кундуз давомида имтиёзли таъриф амал қилади, унга кўра ҳақ тўлаш одатдагидан 25 процент арзон бўлади.

Автоматик шаҳарлараро алоқа билан таъминланган шаҳарларга буюртмалар уведомление бўйича (адресга кўра сўзлашувчи чақириш буюртмалардан ва справкалар бериш хизмати бўлмаган шаҳарлардаги телефон номери тўғрисида ахборот беришдан ташқари ҳолларда телефонистлар томонидан қабул қилинмайди.

Уведомление бўйича буюртмалар қуйидаги телефонлар орқали амалга оширилади: 44-08-13, 44-09-12.

Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар 44-09-11 телефони бўйича қабул қилинади.

Автоматик алоқа амал қилмайдиган йўналишлар бўйича бугунга ва кейинги икки кун учун буюртмалар 07 телефони орқали буюртмалар столининг телефонисти томонидан қабул қилинади.

Справкалар учун телефон — 007.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АВТОМАТИК ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ МАВЖУД БЎЛГАН ШАҲАРЛАРНИНГ КОДЛАРИ ВА СПРАВКАЛАР ХИЗМАТИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Шаҳарларнинг номи	Код	Справкалар бюроси
Олмаота	3270	695122
Андижон	37422	42222
Актюбинск	31300	22121
Ашхабад	36300	51556
Бухоро	36500	32222
Ванница	04300	52222
Владимир	09222	32222
Волгоград	8442	330301
Вологда	81722	22222
Горький	8312	362222
Грозний	87100	34502
Гулистон	36722	22222
Жамбул	32600	30707
Жиззах	37200	32222
Днепропетровск	0560	222222
Душанбе	3770	222222
Ереван	8850	527972
Житомир	04100	72222
Иваново—Франковск	03400	22222
Қарағанда	3210	543636
Қарши	37500	45555
Қизил-Ўрда	32400	66908
Киев	0442	222222
Киров	83300	22222
Кировоград	05200	22222
Кишинев	0420	222222
Қўқон	43400	22222
Кокчетав	31600	62121
Краснодар	86100	50333
Куйбишев	8462	332583
Ленинобод	37900	62222
Ленинград	812	—
Львов	0322	222222
Минск	0170	362222
Москва	095	—
Нальчик	86600	22111
Наманган	36900	62222
Новосибирск	3832	9909111
Нукус	36100	22222
Оржоникидзе	86722	38188
Ўш	33200	21106
Павлодар	3180	752755
Псков	81100	22145
Ростов—Дон	8632	326609
Самарқанд	36600	32222
Саранск	83400	72222
Саратов	84500	25300
Свердловск	3432	209111
Семипалатинск	32200	22121
Ставрополь	86522	64222
Талди—Қўрғон	32800	72121
Тбилиси	8832	990203
Термиз	37600	22222
Ульяновск	84200	40222
Уральск	31100	21068
Ўргенч	36222	62222
Усть—Каменогорск	32300	52222
Фарғона	37300	42222
Фрунзе	3310	254254
Харьков	0570	222222
Целиноград	31700	22121
Чебоксари	83500	22222
Челябинск	3510	361631
Черкасси	04722	22222
Чернигов	04600	22222
Черновци	03700	22222
Чимкент	32500	34645
Олма-Ота областидаги шаҳар ва районларнинг марказида		
Иссиқ	327075	2183
Қапчағай	32772	21100
Каскелен	32771	91963
Талғар	327074	7501
Узун-Ёғач	327070	2898
Андижон области		
Охунбобоев	37475	22222
Қўрғон тепа	37472	11222
Ленинск	37436	22222
Пайтуг	37431	22222
Хўжаобод	37474	12222
Шахрихон	37434	22222
Волгоград области		
Бикова	84495	91151
Дубовка	84458	91261
Жирновск	844540	2421
Калач	84472	22952
Камишин	84457	23019
Клетский	84466	—
Котов	844550	—
Кумелженская	84462	—
Ленинск	84478	—
Михайловка	84463	22255
Новоаннинский	84447	—
Октябрьский	84475	—
Палласовка	84492	61835
Средняя Ахтуба	84479	71205
Суровкино	84473	91303
Урюпинск	84442	22492
Фролово	84465	96475
Горький области		
Арзамас	83147	32222
Болгородск	83170	31550
Дзержинск	83140	51124
Кстово	83145	22222
Павлово	83171	21222
Семенов	83162	21221
Ленинград области		
Волосово	81273	21090
Волхов	81263	11077
Всеволжск	81270	24344
Виборг	81278	22502
Гатчина	81271	22222,
Кингисепп	81275	62090 22233
Ломоносов	81276	20171, 21333
Лодейное поле	81264	22833
Луга	81272	22163
Сосновий бор	81269	61333
Тосно	81261	22222
Киев области		
Белая церковь	04463	51299
Володарка	04469	51351
Переяслав—Хмельницкий	04467	52379
Полесское	04492	51332
Тетиев	04460	51332
Фастов	04465	52222
Пермь области		
Вершагино	34254	—
Кизел	34255	—
Ростов области		
Волгодонск	86392	22209
Каменск	86365	59085
Миллерово	863015	3509
Новошахтинск	863069	2359
Новочеркасск	86352	23209
Сальсд	86327	20080
Таганрог	86344	21414
Саратов области		
Аркадак	74542	21965
Аткарск	74552	—
Балашов	74545	—
Горний	74577	—
Ивантеевка	74579	—
Калининск	74549	—
Красноармейск	74550	22936
Красний Кут	74560	—
Новий Бураси	74557	—
Новоузенск	74562	—
Озинки	74576	—
Ртишево	74540	—
Сомойловка	74548	—
Степное	74566	21953
Татишево	74558	—
Свердлов области		
Асбест	34365	24009
Карпинск	34313	22599
Краснотурьинск	34314	22299
Нижние Серги	34396	—
Первоуральск	34392	22609
Ревда	34397	42325
Серов	34315	24301
Сухой Лог	34373	22884
Тошкент области		
Оққўрғон	255	91222
Олмалиқ	261	42222
Ангрен	2660	2222
Оҳангарон	2640	2222
Бекобод	2910	2222
Бўка	257	35222
Ғазалкент	274	21409
Гулбаҳор	258	76222
Зафар	293	21222
Қалинин	297	54222
Келес	296	56222
Қибрай	295	62222
Паркент	272	92222
Пскент	254	96260
Солдатский	256	72222
Тўйтепа	276	21222
Чиноз	259	21300
Чирчиқ	271	5222
Янгийўл	260	72222
Янгибозор	298	91013

Шаҳарлараро телефон алоқаси хизмати учун счетларга қуйидаги жойларда ҳақ тўлаш мумкин:

— шаҳар алоқа бўлимларида;

— шаҳар омонат кассаларида;

Кредитга асосланган сўзлашув учун счетларга у чиқарилган кундан бошлаб 15 кунлик муддатда ҳақ тўланиши лозим. Счетга белгиланган муддатда ҳақ тўланмаган ҳолларда телефон узиб қўйилади. Телефонни қайта улаш қарзни узганлиги ва қайта улаш учун 2 сўм тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилгач 3 кун давомида амалга оширилади.

Агар телефон узиб қўйилгач, бир ой давомида қарз узилмаса, абонентларнинг телефондан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади, қарз эса мунозарасиз тартибда ундириб олинади.

Шаҳарлараро сўзлашувларнинг барчаси учун (уларни ким амалга оширганидан қатъий назар моддий жавобгарлик телефон эгасининг зиммасига тушади.

Шаҳарлараро сўзлашувлар учун ўз вақтида ҳақ тўлашингизни сўраймиз.

Справкалар учун телефон 44-33-34.

Қуйидаги шаҳарларда телефон номерлари ўзгартирилди:

Куйбишевда 332000—332999 дан 33400—334999 га;
Ленинградда 2196000—2196999 дан 1686000—1686999 га.

Справкалар учун телефон 1686122;
2198000—2198999 дан 1688000—1688999 га.
Справкалар учун телефон 1688145;
2194000—2194999 дан 1684000—1684999 га.
Справкалар учун телефон 1684628;
2114000—2114999 дан 2115000—2115999 дан 3154000—3155999 га.

Справкалар учун телефон 3101109.

Термиз шаҳрида 2 рақам билан бошланадиган АТС телефонлари нумерациясидан айримлари 4 рақамига ўзгартирилади.

Справкалар учун телефон 22222, 23201.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.

КИНО

5 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚУШИҚ САДОЛАРИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.20, 20.30; Телефон 44-21-74).

«ХАВФЛИ ЧИЗИҚ ЁНИДА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ТРИСТАН ВА ИЗОЛЬДА» **Москва** (18.30, 21.00, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (17.00, 20.00).

«БУТПАРАСТ СОҲИБЖАМОЛ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ГРАЧЛАР» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТЭСС» — **Қозоғистон** (18.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ҚАСАМ ВА ВАЪДАЛАР» —**Тошкент Советнинг 50 йиллиги номли** (18.00, 21.00, телефон 78-47-25), **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

6 ОКТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚУШИҚ САДОЛАРИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.30; Телефон 44-21-74).

«ХАВФЛИ ЧИЗИҚ ЁНИДА»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ТРИСТАН ВА ИЗОЛЬДА» —**Москва** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

«БУТПАРАСТ СОҲИБЖАМОЛ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ГРАЧЛАР»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТЭСС»—**Қозоғистон** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ҚАСАМ ВА ВАЪДАЛАР» —**Тошкент Советнинг 50 йиллиги номли** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 78-47-25), **Восток** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

ШАҲАРЛИКЛАРНИ ОММАВИЙ СУРАТДА ПАХТА ТЕРИМИГА ОЛИБ ЧИҚИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

1983 йил 5—9 октябрь кунлари автобус маршрутларида планда кўзда тутилган автобусларнинг 40 проценти ИШЛАЙДИ.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИ ВА ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ **профилактика ишлари ўтказилиши муносабати билан**

1- РАЙОН ҚОЗОНХОНАСИДАН

Пушкин (Дархон атрофида),
Новомосковская,
6-Магнитагорская,
Энгельс («Марказ — 4, 5, 6 кварталлари»)
Луначарский шоссеси кўчалари,
М. Горький проспекти ва Високовольтний, 1, II — Черданцев уй-жой массивларига

1983 ЙИЛ 5 ОКТЯБРЬ СОАТ 24.00 га ҚАДАР ИССИҚ СУВ БЕРИЛИШИ УЗИБ ҚУЙИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ОШХОНАНГИЗ ЧАРАҚЛАБ ТУРАДИ

ОШХОНАНГИЗ ҲАМИША ЧАРАҚЛАБ ТУРИШИНИ ИСТАСАНГИЗ, ҚУЙИДАГИ ТОЗАЛАШ ВОСИТАЛАРИДАН ТЕЗ-ТЕЗ ФОЙДАЛАНИБ ТУРИНГИЗ:

«Жемчуг» идиш-товоқлар, ванналар, раковиналар, газ плиталари, кафеллар, пластмассали ва сирти бўялган идишлар, шунингдек, сунъий чармдан тикилган буюмларни тозалаш учун мўлжалланган суюқ воситадир. Баҳоси 50 тийин.

«Вильва» — ошхона идиш-товоқлари ва сирти пластмассали буюмларни тозалашга аталган суюқ воситадир. Баҳоси — 70 тийин.

«Парма» пастаси эмалли ва чўянли ошхона плиталари, ванналар, раковиналар, кафелли плиталарни тозалашда қўлланилади. Бу пастанинг ўзига хос аъло даражада тозалаш хусусияти бор. У ёғли доғларни осон кетказади, қўлнинг терисига таъсир этмайди. Баҳоси — 45 тийин.

«Восточная»— бу паста ошхона идиш-товоқларини тозалаш ва дезинфекциялаш учун мўлжалланган. Баҳоси—50 тийин.

БУ ТОЗАЛАШ ВОСИТАЛАРИ **«УЗБИТПЛАСТИК» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ** 1-ФИРМА МАГАЗИНИДА САВДОГА ҚУЙИЛГАН.

Адрес: Тошкент шаҳри, марказ—14 кварталы, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 65-автобус, 1, 4, 21-троллейбусларнинг «Аптека» бекати.

Магазиннинг иш соатлари — соат 10.00 дан 19.00 гача, танаффус—соат 14 дан 15.00 гача, Душанба куни дам олади.

«УЗБИТПЛАСТИК» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-фирма магазини.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» ВА ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

Ўзбекистон ССР Энергетика министрлигининг иссиқлик манбаларида иссиқлик тармоқлари ва иситиш системаларида циркуляция ишлатилган ҳолда зоналар бўйлаб синов тарқасида иситиш ўтказилади.

Магистрал ва кварталлар ички иситиш тармоқларида бузилишларни бартараф этиш учун корхоналарда авария —тиклов бригадаларининг кечаю-кундуз навбатчилиги ташкил этилган.

Чилонзор ва Акмал Икромов районларида иссиқлик тармоқларида бузилишлар аниқланганида 78-40-01 телефони орқали қўнғироқ қилиш лозим.

Шаҳарнинг бошқа маъмурий барча районларида район диспетчерлик хизматига 33-32-32 телефони орқали хабар қилиш лозим.

УЙЛАРДА ВА КВАРТИРАЛАРДА БУЗИЛИШ ҲОЛЛАРИ АНИҚЛАНГАНИДА ШАҲАР МАЪМУРИЙ РАЙОНЛАРИНИНГ АВАРИЯ ХИЗМАТИГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ЭТИШ КЕРАК.

Ленин — 33-04-30.
Фрунзе — Ҳамза — 56-54-39.
Куйбишев — 33-11-86.
Киров — 33-73-19.
Октябрь — 42-03-81.
Чилонзор — 78-52-66.
С. Раҳимов — 29-24-09.
Акмал Икромов — 74-27-61.
Сергели — 53-84-35.

ТВ

5 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.05 «Рус тили». 17.35 «Ёшлар адреслари». 18.05 «Қувноқ от ўйин». Мультфильм. 18.15 «Инсон— ер хўжайини». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Спорт ҳафталиги». 20.05 «Даврани кенг олинг». 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича олимпия турнирининг саралаш матчи. Греция — СССР терма командалари. Грециядан олиб кўрсатилади. 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг V Халқаро фестивали. «Фиеста». (Филиппин). 19.00 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ЎзССР Олий Советининг депутати, Николаев областидаги С. М. Киров номли колхоз раиси Н. Н. Рябошапка билан учрашуви. 20.00 «Тилла ҳалқа». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Е. А. Кибрик ижоди». 21.30 «Время». 22.00 «Сенинг қўлларинг ҳарорати». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Бароқ айиқча», «Янгроқ барабан ҳақида эртак». Мультфильмлар. 18.30 «Тенгдошларнинг ижоди». 19.00 1 Макромолекулалар симпозиуми. «Полимерларда молекулалар ва молекулалардан ташқари тартиблар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Биз — ватанпарвар-интернационалистларимиз» (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Самарқандда ўтказиладиган музикашуносларнинг II Халқаро симпозиуми олдидан. «Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари музика маданияти анъаналари ва замонавийлик». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳаҳназаров олиб боради. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Телевидение экранида биринчи марта». «Россиянинг оппоқ қори». Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Муқаддас туҳфалар араваси». Телеспектакль. 19.20 «Вилимлар — ишлаб чиқаришда ишловчиларга» (рус.). 19.50 Янгиликлар. 20.10 «Жаноби олийларининг адъютанти». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 21.30 МТ II.

6 ОКЯТБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Горичилар, қаердасиз!» 10.25 «Чаманзор гуллари». Бадиий фильм. 11.50 «Экран» ижодий уюшмасининг телевизион ҳужжатли фильмлари. 13.05 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.20 «Ерда, самода ва денгизда».

16.55 Гвинея-Бисау республикаси балет артистларининг концерти. 17.25 «Москва ва москваликлар». 17.55 «Академик Соболев кенглиги». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 18.15 «Шахмат мактаби». 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканн бошқариш». Кўрсатувни СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Республика эълон қилинганлигининг 34 йиллигига бағишланган Германия Демократик Республикаси телевидениесининг программаси. 21.30 «Время». 22.05 «Олдинда—океан». Уч сериялы телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 23.15 М. Мусоргский. «Кўр, газмадан манзаралар». 23.45 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Мишка — сеҳргар». Телевизион бадиий фильм. («Ўзбектелефильм»). 12.00 Ҳужжатли фильм. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сигунденлар». Фильм-концерт. 18.20 «Сўз кетидан сўз келар» Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 18.40 «Меҳнат ҳуқуқи». СССР Конституцияси кунига бағишланган ҳужжатли фильм. 19.00 «Ишга тушириладиган объектлар — ўз муддатида». Қизилтепа насос станцияси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қароқчилар ва музикачилар». Катталар учун мультфильм. 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Самарқандда ўтказиладиган музикашуносларнинг II Халқаро симпозиуми олдидан. «Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари музика маданияти анъаналари ва замонавийлик». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Баҳс». Ешлар учун ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув. 23.30 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Телевизион фильм. 18.30 «Буюк ҳайвон ўргатувчи». Телевизион бадиий фильм. 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Жаноби олийларининг адъютанти». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм 4-серия. (рус.). 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 ОКТЯБРЬ, 1983 й. Р—19374. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12